

## Охирзамондаги ибодатнинг фазли



15:19 / 10 октябрь 1192

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءْيِيَّ رَهْ يَبَا نَع  
يَلَّصِ هَلِّلَا لُؤْسَرَّ نَا هُنَّع  
يَلَّعَ فَقَّو مَّسَّو هِيَلَّعُ هَلِّلَا  
الَا» : لَاقَ فِ سِوُلُجِ سَا نَا  
نَمُ مَكْرِيَّ خَبُ مَكْرَبُ خُأ  
اُوتَكَ سَفَ : لَاقَ ؟ «مَكْرَشِ  
تَارَمَ ثَا لَ ثَا لَ ذَا لَاقَ فِ

لُؤْسَرَايَ يَلَابُ: لُجَرَلَا قَف  
 نَمَ أَنْزِيَخَبْ أَنْرَبُخْ أَلَلَا  
 نَمَ مُكُزِيَخْ «: لَأَقْ، أَنْرَشْ  
 هُرَشْ نَمُؤِي وَ هُرِيَخْ يَجُرِي  
 هُرِيَخْ يَجُرِي أَلْ نَمَ مُكُزَشْ وَ  
 هُرَشْ نَمُؤِي أَلْ وَ

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ўтирган одамларнинг устига келиб, **«Сизларга яхшиларингиз ва ёмонларингиз кимлигини айттайми?»** дедилар. Одамлар сукут сақладилар. У зот бу гапни уч марта айтдилар. Кейин бир киши: «Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули, яхшиларимиз ва ёмонларимиз кимлигини айтинг», деди. **«Яхшиларингиз - яхшилигидан умид қилинадиган, ёмонлигидан омон бўлинадиган кишидир. Ёмонингиз - яхшилигидан умид қилинмайдиган, ёмонлигидан эмин бўлинмайдиган кимсадир»**, дедилар».

نَعُ هُنَعُ هَلَلَا يَضَرِ سَنَأُ نَع  
 هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَصَّ يَبَّنَلَا  
 يَلَعُ يَتَأِي «: لَأَقْ مَلَسْ وَ

مَهِي فُ رُبُّ اَصْلًا ، نَامَزِ سَانًا  
يَلَعِ ضَبُّ اَقْلَاكِ هِنِي دِ يَلَعِ  
يِ ذِمَّرْتِ لَامُ هَاوَرِ . «رَمَجُّ لَامُ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Шундай замон келадикки, динида сабр қилган одам худди чўғни ушлаб тургандек бўлади»**, дедилар».

*Иккисини Термизий ривоят қилган.*

يَضَرُّ رَأْسِي نُبِّ لِقْعَمٍ نَعِ  
يَلَصُّ يَبْنُلًا نَعُهُ نَعُهُ هَلَلًا  
لِاقَمِّ لَسَوِ هِيَلَعُهُ هَلَلًا  
رَجُّ هَلَاكِ جَرَهُ لَامُ يِفُّ دَابِغُلًا  
يِ ذِمَّرْتِ لَامُ مَلْسُمُ هَاوَرِ . «يَلِي لَامُ

Маъқил ибн Ясор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Фитна ва қотиллик кўпайган пайтдаги ибодат худди менинг ёнимга ҳижрат қилиш кабидир»**, дедилар».

*Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.*

هُلِّلَا يَضَرَّ رَءُيْرُهُ يَبَأُ نَع  
هُلِّلَا يَلَّصَّ يَبِّنْلَا نَع هُنَع  
يَفُ مَكَّنَا» : لَأَقَمَّ لَسَوِ هَيْلَع  
أَمَرُشُعُ مَكَّنَمَ كَرَتُ نَمِ نَأْمَز  
نَأْمَزُ يَتَأَيُّ مَثَ كَلَهَ وَبَرْمَأُ  
رْمَأُ أَمَرُشُعُ بَمَكَّنَمَ لَمَعُ نَم  
يَذْمُرْتَلَا هَأُورُ . «أَجَنِ وَبِ

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлар ўзига буюрилган ишларнинг ўндан бирини қилмаса ҳалок бўладиган замондасиз. Аммо шундай замон келадикки, унда ўзига буюрилган ишларнинг ўндан бирига амал қилган одам ҳам нажот топади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан